

# МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/2 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**  
Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӨЛЕҮОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гулнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестирiyшiлер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириy**  
**Министрлиги, ӨЗПНИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хәм**  
**хабар агентлиги тәрeпинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гууалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,**  
**mugallim-pednauk@umail.uz**  
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жерияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим хәм узликсиз билимлендириy» журналынан алынды, деп көрсетилиyи шерт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.*

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ҲАМ ЭДЕБИЯТ

<b>Ibadullaev K.M.</b> PIRLS xalqaro baholash dasturi talablari .....	4
<b>Тешабоева З.С.</b> Шакл ва мазмун ўртасидаги функционал алоқалар - сўзлар орасидаги муносабатларни ифодаловчи восита сифатида .....	8
<b>Марипова Н.Х.</b> Инновационные подходы обучению иностранному языку в неязыковых вузах .....	10
<b>Ахмадалиева М.Ш.</b> Роль литературной критики в саморазвитии писателя .....	14
<b>Наримбоева Л.К.</b> Практические аспекты формирования коммуникативного подхода в развитии языковой личности при обучении иностранному языку .....	17
<b>Achilova M.S.</b> Composition analysis of the work A.S.Chulpan .....	21

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ибдуллаев Қ.М.</b> Интерактив электрон доскалар – таълим сифатини оширишнинг омили сифатида .....	24
<b>Ахмадалиев Б.С.</b> PIRLS баҳолаш тизимида танқидий ўқиш тамойилларининг аҳамияти ..	26
<b>Шарипова Н.Б.</b> Ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ноанъанавий дарсларни ташкил этиш .....	30
<b>Атабоев Ф.У.</b> Методы и формы обучения в непрерывное образование .....	34
<b>Атабеков Ф.О.</b> Коммуникативная стратегия убеждения и способы её реализации в аргументационных текстах паремий .....	38
<b>Холматова С.К.</b> Медиакомпетентность педагога как фактор развитие медиаграмотности студентов .....	40
<b>Исманова М.А.</b> Психологические свойства формирования профессиональной направленности личности педагога .....	44
<b>Носирова Р.Х.</b> Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой .....	48
<b>Санақулова А.Р.</b> Повышения качества педагогического корпуса в профессионально-ориентированное подготовке в межотраслевой интеграции .....	51
<b>Ибдуллаев Қ.М.</b> Применение компьютерных технологий в обучении географии .....	54
<b>Муталова Д.А.</b> Методы и формы обучения в непрерывное образование .....	57
<b>Xidoyatova N.A.</b> Integrative approach: important element of teaching of foreign language .....	62
<b>Shonasirova Z.Yu.</b> The role of independent works in educational process .....	65
<b>Xidoyatova N.A.</b> The psychological development of properties volitional qualities of pupils .....	68
<b>Joraboyev A.B., G'anixo'jayev A.Sh.</b> Professional training of a teacher of a new formation in the conditions of the implementation of inter-industrial integration .....	72

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙ, ЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Соатов Э.М.</b> Возможности предвидение: методы и средства познания будущего .....	75
<b>Ismanova M.A.</b> Methodology of teaching history as an academic subject .....	79

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Турсунбоева М.Д.</b> Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий сифатларини узвийлик ва узлуқсизлик тамойили асосида босқичма-босқич шакллантириш .....	86
<b>Журабов А.Б.</b> Совершенствование информационных технологий в формировании профессиональной компетентности будущего специалиста .....	89
<b>Холматова С.К.</b> Применение информационно-коммуникационной технологии в обучение правового мышление .....	93
<b>Каюмов Ж .С.</b> Теория применение информационно-коммуникационной технологии в образовании .....	95
<b>Tursunboyeva M.D.</b> System of information and communication technologies in the education .....	99

## БАСЛАЎШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Хурвалиева Т.Л.</b> Мактабгача 5-7 ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш .....	103
<b>Каримжанова Д.А.</b> Мактабгача таълим муассасаларда тарбияланувчиларни ижодкорлигини ривожлантиришнинг интерактив методлари .....	107
<b>Хурвалиева Т.Л., Худойбергана Ш.Б.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш .....	111
<b>Abdullayeva M.D.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy-huquqiy me'yorlar asosida ijtimoiy ko'nikmalarni takomillashtirish yo'llari .....	115
<b>Abdullayeva M.D.</b> Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy-huquqiy me'yorlar bilan tanishtirish .....	118
<b>Шанасирова З.Ю.</b> Подготовка будущего учителя к преподаванию дисциплины «Окружающий мир» в начальной школе .....	120
<b>Абдуллаев А.А., Эркинходжаева Г.Э.</b> Место и роль физической культуры в общей системе воспитания детей дошкольного возраста .....	125
<b>Матмуродов А.К.</b> Повышение уровня самостоятельности на основе структуры урока труда в младших классах .....	129

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Носирова Р.Х., Рустамбекова Н.А.</b> Соғлом турмуш тарзини яратишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари .....	135
<b>Солайдинов Э.Ш.</b> Соғлом турмуш тарзини яратишда кўхна халқ ўйинларидан фойдаланиш йўллари .....	140
<b>Хуррамов Э.Э.</b> Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда Европа мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш технологиялари .....	142
<b>Хакимов Ш.Т.</b> Жисмоний тарбия бўйича дарс конспектини тузиш методикаси .....	148
<b>Абдуллаев А.А.</b> Физическое воспитание в системе подготовки человека к профессиональной деятельности .....	154
<b>Абдуллаев А.А.</b> Социокультурные функции и роль физической культуры в формировании основных качеств и свойств личности .....	157
<b>Gimazudinov R.G.</b> The oretical and practical basis of badminton coach activity .....	160



## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯРАТИШДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Носирова Р.Х.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*Рустамбекова Н.А.*

*Тошкент шаҳри Яшнабод тумани 454 ДМТТ раҳбари*

**Таянч сўзлар:** соғлом турмуш тарзи, ижтимоий ҳамкорлик, ёшлар, умумий ўрта таълим мактаблари, маданият, педагогик фаолият, оила, жамият.

**Ключевые слова:** здоровый образ жизни, социальное партнерство, молодежь, общеобразовательная школа, культура, педагогическая деятельность, семья, общество.

**Key words:** healthy lifestyle, social partnership, youth, secondary school, culture, pedagogical activity, family, society.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини яратиш, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук шахслар этиб тарбиялаш устувор вазифалардан эканлигини англайди. Шундай экан, бугунги кунда соғлом турмуш маданияти ўсмирларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри ривожланишини таъминловчи омил ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Соғлом турмуш маданияти” тушунчаси соғлом ривожланиш; соғлом ҳаёт кечириш; соғлом тарбия олиш каби педагогик категорияларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси соғлом ҳаёт кечириш воситасида соғлом турмуш маданиятининг шаклланишига олиб келади. Шу маънода, “Соғлом турмуш маданияти” тушунчасида соғлом ҳаёт кечириш ғояси асосий ва муҳим масала ҳисобланади. Соғлом ҳаёт кечириш – бу инсоннинг рухий-маънавий, ахлоқий ва моддий жиҳатдан мақбул даражада яшашидир.

Соғлом турмуш тарзини яратиш ҳозирда умумий ўрта таълим мактаби тизи-мида ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бунда умумий ўрта таълим мактаблардаги педагогик фаолиятнинг оила, маҳалла билан ҳамкорликда олиб борилаёт-

ганлиги қутилган самараларни бермоқда. Шундай бўлса-да, бу борадаги ишларни янада жонлантириш, таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш устувор вазифалардан саналади.

Чунки тарбия, аввало, оилдан бошланади, маҳаллада, яъни жамиятда камолот босқичига кўтарилади. Дарҳақиқат, “Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни киз ўнгимиздан ўтказиб, агрофлича таҳлилқилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз”. Шундай экан, таълим муассасаларининг оила ва маҳаллалар билан ҳамкорлигини янада юксалтириш бугуннинг талаби бўлиб қолмоқда. Таассуф билан айтиш керакки, айрим умумий ўрта таълим мактаби муассасаларида баъзи тарбиячилар томонидан ўқувчининг таржимаи холи, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳолати, оилавий аҳоли, ундаги маънавий-маърифий муҳит юзаки ўрганилади. Бундай ишларга вақтни қизғаниш ёки бепарволик билан қараш ҳолатлари кузатилади.

Бунинг натижасида оила-маҳалла-таълим муассасаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик узилади. Ҳамкорликнинг узилиши нимага олиб келади?! Ўқувчининг кундалик фаолияти ҳақида на ота-она, на маҳалла раиси ёки унинг фаоллари ва на таълим муассасаси хабардор бўлади. Эътибор ва назоратдан четда қолган ўқувчи ўзбошимчалик билан нотўғри йўлга қиради. Бунинг сабаби эса ҳар жойдан кидирилади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ота-оналар:

- фарзанди таҳсил олаётган умумий ўрта таълими мактаблари фаолияти, унинг мақсад-вазифалари, педагогик таркиб ҳамда таҳсил олувчилар жамоасига оид умумий маълумотларга эга бўлиши;
- фарзандининг ўзлаштириши, дарслардаги иштироки, бирга таҳсил олувчиларга муносабати, ўқитувчи ва тарбиячилар ҳақидаги фикрларидан хабардор бўлиши, фаолиятини тўлиқ назорат остига олиши;
- ҳафтада бир маротаба тарбиячининг фарзанди ҳақидаги фикрларини эшитиши ва унга муносабат билдириши зарур ва ҳ.к.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, фаоллари ва аъзолари:

- маҳалладаги ёшларнинг қайси мактабда таҳсил олиши, бўш вақтларида нималар билан шуғулланишлари ҳақида маълумотларга эга бўлишлари;
- уларни маҳалла тadbирларига фаол жалб қилиш, ўзини тутиши ҳақида ота-оналарига ва тарбиячиларига маълумот етказиб туриш, керак бўлса, фаоллар иштирокида мактаб даргоҳида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш;
- ўқишларида самарали ютуқларга эришиб келаётган ўғил ва қизларимизнинг фаолиятига бағишлаб “Маҳалланинг энг ибратли фарзанди” мавзусида кечалар ўтказиш, барча маҳалла ёшларига ўрнак қилиб кўрсатиш, рағбатлантириш, маҳаллий ОАВда тарғиб қилиш;
- ёшлар учун керакли жойларга тавсифномалар беришда уларни юзаки эмас, балки холис ва тўғри мазмунда баён этиш ҳамда тақдим қилиш.

Умумий ўрта таълим мактаблари муассасаси педагог жамоаси, тарбиячи ва мураббийлар:

- аввало, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳақида, кейин эса ўқувчи ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлиши,
- ўқувчи яшаётган оиладаги маънавий-маърифий муҳит, унга яратилаётган шароитлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб бориш, бу борада муаммолар мавжуд бўлса, уларни ҳал этиш юзасидан ота-онага тавсиялар бериш;
- ўқувчининг дарсадаги ва дарсдан ташқари вақтдаги фаолияти юзасидан ота-онаси билан ўзаро ахборот алмашиб туриш;
- ўқувчини истеъдодига қараб, турли тўғарақларда, танловларга иштирок этишга жалб қилишлари лозим бўлади.

Бунда, яъни ўзаро ўрнатилган ҳамкорлик жараёнида ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамда мураббий ва тарбиячилар оқилона ҳамда моҳирона педагогик-психологик фаолият олиб боришлари лозим. Унинг учун, ўқувчини ҳар томонлама етуқ, илм-фан сирларини эгаллашга қизиқувчан ошириш, яратувчанлик ва бунёдкорликка иштиёқи баланд шахс сифатида улғайтириш учун барча усул ҳамда воситаларни ишга солиш лозим, бизнингча. Чунки таълим-тарбия бу - соғлом турмуш маданиятини шакллантиришни ўз ичига олади. Уни Н.П.Аникеева томонидан таклиф этилган ишонтириш, эргаштириш, тақлид қилиш, уқтириш каби методлар бор.

Мазкур воситалар ва усуллар ўсмирлар онгини шакллантиришга хизмат қилувчи методлар таркибига кириб, ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш жараёнида улардан ўринли фойдаланиш учун имкон яратади. Улардан, юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат педагог мураббий-тарбиячилар, балки ота-оналар, маҳалла фаолларию аъзолари самарали фойдалана билишлари оилада, маҳаллада, таълим муассасасида баркамол авлодни тарбиялашда ўзаро изчиллик ва мувофиқликни юзага келтиради.

1. Ишонтириш – тарбия усули бўлиб, у ёки бу мулоҳаза ёки хулосани мантиқий асослаб бериш жараёни. Ишонтириш – шахс ёки гуруҳга, шахснинг ҳам ақлий, ҳам хиссий соҳаларига таъсир қилади. Сўз билан ишонтириш тарбиянинг ғоят мураккаб усулидир. Соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда бола тафаккурини ва унинг эътиқодини ишонтириш самарали натижалар асосини ташкил қилади. Маълумки, ёшларда ўсмирлик давридан бошлаб, турли зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари кўп учрайди. Бунга кўпроқ тақиқланган нарсаларни истеъмом қилишга қизиқишнинг устунлиги сабаб бўлиши мумкин, лекин бу зарарли иллат таъсиридан қутулиш қийин кечишини ўсмир ёшлар ҳали етарли даражада тушуниб етмайдилар. Зарарли иллатлардан тамаки чекиш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмом қилиш ёмон оқибатларга олиб келишини ўсмирларга аниқ далиллар асосида исботлаб бериш, мисоллар (кинофильмлар, суҳбатлар, диспутлар, беллашувлар) асосида кўрсата олиш зарур. Бу ўринда панд-насихат, уялтириш билан натижага эришиб бўлмайди.

Ишонтириш жараёнида ишонтирувчи кенг ахборотга эга бўлиши, аниқ мисоллар келтириши керак. Масалан, тамаки чекиш гиёҳвандликнинг энг тарқалган тури

бўлиб, инсон саломатлигига жуда катта зиён етказди. Тамаки тутуни таркибида 400га яқин инсон саломатлиги учун зарарли моддалар бўлиб, улардан 20га яқини ўта зарарли ҳисобланади. Бу моддаларнинг бир қисми газ ҳолида, иккинчи қисми эса куруқ бўлади. Тамаки тутунидаги қатрон канцероген модда ҳисобланади. У маълум шароитда ўпка рақини келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда рақ касаллиги тамаки чекувчиларда 15-20 марта кўп учрамоқда. Ўпка рақи билан оғриган беморларнинг 95 фоизи кашандалардир.

Шу каби мисолларни келтириш ишонтириш услубидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, албатта.

Тақлид қилиш - тарбиявий таъсир кўрсатишнинг яна бир усули ҳисобланади. Ўқувчи-ёшларнинг катталар ёки дўстларининг ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракат, юриш-туришларининг муайян ташқи хусусиятларини такрорлашдир. Тақлид бошқа бир кишининг ижобий хатти-ҳаракатига нисбатан, худди шунингдек, унинг салбий хатти-ҳаракатига нисбатан ҳам шакллантирилиши мумкин. Демак, ижобий тақлид усулидан кенг фойдаланиш зарур бўлади. Шунингдек, бевосита таълим жараёнида иштирок этаётган педагогларнинг ҳулқ-атвори, ташқи кўриниши, юриш-туришлари ва ўзаро муносабатлари ёшлар томонидан кўчириб олинади.

Тақлид икки хил бўлиб, ички тақлид ва ташқи тақлидга бўлинади. Ўқитувчига кимдир ички тақлид қилса, кимдир ташқи тақлид қилади. Ички тақлидда ўқитувчининг ҳулқ-атвори ва туйғулари ҳиссиёт орқали билиб олинади. Ички тақлидда унинг ташқи кўриниши ҳисобга олинмайди, унинг ҳулқ-атворидаги ижобий ёки салбий сифатлар ўқувчи-ёшлар томонидан эгаллаб олинади.

Уқтириш усулидан ўсмир соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда кенг фойдаланилади. Уқтириш одамга сўзлар ва фикрлар орқали таъсир кўрсатишдир. Уқтириш ихтиёрий ва ихтиёрсиз, бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Педагогик жиҳатдан моҳирона қўлланилган уқтириш кучли тарбиявий таъсирга эга. Уқтиришнинг моҳияти шундаки, тингловчи гапираётган кишига тўла ишонч ҳосил қилса, гапираётган одамнинг сўзлари тингловчида у хоҳлаган тасаввур ва образларни, ҳис-туйғуларни уйғотса, тингловчида “шундай қилишим керак” деган тушунчани шакллантирса, у самарали натижа беради. Уқтиришда бир томондан ахборот манбаининг ишончлилиги, иккинчи томондан, таъсир ўтказувчининг ўз мақсадини моҳирона етказиб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, педагог ўсмирларга соғлом ҳаёт тарзига эга, юксак маънавиятли, инсонпарвар кишиларни намуна қилиб кўрсатиш ва ўшалардек бўлишга интилиш кераклигини уқтириши лозим. Уқтиришда кўпроқ соғлом ҳаёт кечириш борасида мавжуд илғор тажрибалардан намуна келтириш ўсмирда соғлом ҳаёт борасида ҳис-туйғуларни уйғотади. Ўсмир ҳам ҳаётда шундай бўлишга интилади. Тақлид қилиш ва уқтириш жараёнида ўсмир спорт билан шуғулланувчи инсонларнинг ютуқлари, спорт ўйинларидан келадиган хуш кайфиятни ҳис этади, шундай бўлишга интилади.

Эргаштириш – айрим инсонлар ўзининг кучлилиги, оқил ва оқилалиги, ғайрати, шижоати билан бошқаларни ўзига эргаштира олади. Ўсмирлик даврида катталикка

интилиш кучли бўлади, уларда “мен каттаман, мен бола эмасман”, деган тушунчалар пайдо бўлади. Ана шу пайтда жамоада уларни соғлом турмуш маданиятига эга бўлган, юксак маънавиятли кишиларга эргашишлари учун шароит ва имконият яратиб бериш зарур. Акс ҳолда ўсмир кўчада ғараз ниятли кишиларга эргашиши ёки уларга тақлид қилиши мумкин. Бола ота-онаси ёки ўқитувчисининг олдида турганида ўзини кучли ва ақлли сезади. У қўлидан ҳамма нарса келишига ишонади. Шунинг учун ота-оналар ва педагоглар ёшларни ўзларига эргаштиришга ҳаракат қилишлари, бунда ўзларининг ҳар бир ҳаракатларини қаттиқ назорат қилишлари керак. Ёшларни эргаштиришда жамоадаги ҳар бир киши шахсан масъуллиқни ҳис қилиши зарур. Буни биз Макаренконинг тарбия тизими мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Макаренко носоғлом муҳитда тарбия кўрган, носоғлом турмуш тарзига эга бўлган ўсмирларни ўзига эргаштира олган, улар билан соғлом маънавий муҳит ярата олган, уларни соғлом ҳаётга қайтарган.

Юқоридан хулоса қилиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактаби тизимида ҳам оила, маҳалла ва муассаса ҳамкорлиги кутилган педагогик натижаларни беради. Бунинг учун эса ҳамкорлик мазмуни ва сифатини тубдан яхшилаш, унинг ишини механизм даражасига олиб чиқиш ва иштирокчиларни бунга фаол жалб этиш лозим. Бир сўз билан айтганда ушбу ҳамкорлик:

- ўқувчилар онги ва қалбида оила, маҳалла, илм маскани деб аталган улуғ кадрятларга нисбатан чексиз ҳурмат, эҳтиром туйғуларини камол топтиради;
- бўш вақтни мазмунли ўтказиш, келажакда етук мутахассис бўлиб, эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қилишдек олий мақсадлар сари руҳлантиради ва тарбиялайди;
- ота-она, устозлар, ўзидан улуғларни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилишдек инсоний фазилатларни шакллантиради.

Адабиётлар:

1. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти.-Т.: Ўқитувчи, 1994.- 119 б.
2. Навоий Давлат педагогика институти “Миллий ҳаракатли ўйинлар” фанидан марузалар матни 2010 й.
3. И.Магчанов “Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўсмирлар соғлом турмуш маданиятини шакллантириш”. Методик қўлланма. 2010 йил. 49-бет.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари ўсмир ёшларида соғлом турмуш тарзини яратишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари ҳартомонлама ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье комплексно исследуются вопросы социального партнерства в формировании здорового образа жизни у подростков в общеобразовательных школах.

SUMMARY

This article comprehensively explores the issues of social partnership in the formation of a healthy lifestyle among adolescents in secondary schools.